

БЕРДИЯРОВ Илҳом
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси
e-mail: ilhomberdiyarov@gmail.com

ШАМСУ-Л-АИММА ХАЛВОНИЙНИНГ “МАБСУТ” АСАРИДА МУЗОРАБА БИТИМИ

СОГЛАШЕНИЕ МУЗОРАБА В ПРОИЗВЕДЕНИИ «МАБСУТ» ШАМСУ-Л-АИММА ХАЛВАНИ

MUDARABA CONTRACT IN “MABSUT” OF SHAMSU-L-AIMMA HALWANI

Аннотация: Ушбу мақолада музорабанинг таърифи, унда иштирок этувчи томонларнинг бажарадиган ишлари баён қилинган. Асосий қисмда Бухоролик фақиҳ Шамсу-л-аймма Халвонийнинг “Мабсут” асарида музорабага бағишланган маълумотлар тадқиқ этилган. Унинг хусусиятлари, шартлари, қўлланилиш тартиби, битимни амалга оширишда юзага келадиган вазиятларда қандай йўл тутуши кераклиги ҳақидаги масалалар, қоидалар ва вазиятларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил этилган ва хулоса қилинган.

Калит сўзлар: музораба, Шамсу-л-аймма Халвоний, “Мабсут”, роббу-мол, мутлоқ музораба, сармоя, шерикчилик.

Аннотация: В данной статье рассмотрено определение музараба и задачи участвующих в них сторон. В основной части исследуются сведения о музараба в произведении «Мабсут» Шамсу-л-аймма Халвани. Проанализированы и сделаны выводы с сегодняшней точки зрения его характеристики, сроки, порядок применения, вопросы, правила и ситуации о том, как действовать в ситуациях, возникающих при осуществлении музараба.

Ключевые слова: музараба, Шамсу-л-аймма Халвани, «Мабсут», роббу-мол, неограниченная музараба, инвестиции, партнерство.

Annotation: This article describes the definition of mudaraba and the tasks of the parties involved in it. In the main part, the information on the mudaraba in the work «Mabsut» by Shamsu-l-aimma Halvani, a jurist from Bukhara, is researched. Its characteristics, terms, application procedure, issues, rules and situations about how to act in situations that arise during the implementation of the mudaraba have been analyzed from today's point of view and concluded.

Key words: mudaraba, Shamsu-l-aimma Halvani, “Mabsut”, robbru-mal, unrestricted mudaraba, investment, partnership.

КИРИШ

Фикҳ илмининг Мовароуннахрда кенг ёйилишида бухоролик уламоларнинг алоҳида ўрни бор. Абу Ҳафс Кабир Бухорий (767-832), Абу Зайд Дабусий (978-1039), Шамсу-л-аймма Халвоний (ваф.1057), Шамсу-л-аймма Сарахсий (ваф.1093), Ҳисомуддин Садруш-шаҳид (ваф. 1140) [1:214], Шамсу-л-аймма Заранжий (1037-1112), Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий (ваф.1346) каби аждодларимизнинг асарлари фикҳда нодир дурдоналардан ҳисобланади.

Уларда барча фикҳий китоблардаги анъанага кўра ибодат масалалари билан бирга инсонлар ўрасидаги ўзаро муомалалар, жумладан молиявий масалалар учун ҳам алоҳида боблар ажратилган. Ушбу масалалардан бири музораба шерикчилиги ҳисобланади.

Баъзи манбаларда музорабани шерикчилик-ширкатнинг бир қисми сифатида қайд этилган. [5:836] Лекин унинг фойдаланиш кўлами кенглиги ва аҳамиятини ҳисобга олиб кўпчилик олимлар ўз асарларида музорабани алоҳида китоб шаклида киритган. [6:6]

АСОСИЙ ҚИСМ

Музораба шерикчилиكنинг бир тури бўлиб, унда мол эгаси-сармоядор ишчи-тадбиркорга тижорат қилиши учун пул-мол бериб, олинган фойдага иккала томон олдиндан келишилган нисбатда шерик бўлади. Фаолиятни амалга ошириш учун бир тараф ўз маблағини, иккинчи тараф эса ўз меҳнати ва тадбиркорлик қобилиятини ишга солади. Маблағ киритувчи тараф роббул-мол, меҳнат қилувчи тараф музориб деб аталади.

Агар фаолият натижаси зарар билан якунланса, зарар мол эгасининг зиммасига бўлади, тадбиркорнинг зиммасига зарардан бирор нарсани қоплаш юклатилмайди, у ўз меҳнати ва қилган саъй-ҳаракати натижасини ютқизган бўлади.

Музораба ҳақида Шамсу-л-аймма Халвоний (ваф. 449х./1057) [2:10] ўзининг “Мабсут” асаридаги “Музораба китоби” да маълумотлар келтирган. [3:607].

Шамсу-л-аймма Халвонийнинг “Мабсут” асарида музораба масаласи бошқа манбаларга

караганда батафсил ёритилган ва жуда кўп дақиқ ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтилган. Ундаги маълумотлар жами 26 та бобга ажратилган бўлиб, 77 саҳифада баён этилган.

Шу ўринда қиёслаш учун таъкидлаш жоизки, Шамсу-л-аймма Ҳалвонийнинг шогирди бўлган Шамсу-л-аймма Сарахсий (ваф. ҳиж. 482й./1093) ҳам “Мабсут” номли асар муаллифи ҳисобланади. Ундаги “Музораба китоби” асарнинг 22-жилдидан жой олган. Ундаги маълумотлар 26 та бобда жамланган, жами 161 саҳифада баён қилинган. [4:17] Мазкур асар ҳам Бухоро фикҳ мактаби вакиллариининг музораба масаласини ёритишдаги муҳим манбаларидан ҳисобланади.

Ҳалвонийнинг “Мабсут” асаридаги Музораба китобидаги бобларнинг номи куйидагича келтирилган: “Товарлар билан музораба қилиш”, “Фойдани бошқага шарт қилиш”, “Музорабада музорибга жоиз бўлган нарсалар”, “Музорибнинг савдо-сотик қилиши”, “Музорибнинг кунлик харажатлари”, “Музорабада муробаҳа қилиш”, “Музориб бир нарсани сотиб уни ўзи учун сотган нархидан арзонга сотиб олиши”, “Роббул-молнинг музориб билан бирга ишлаши”, “Музориб ва роббул-мол ўртасидаги келишмовчилик”, “Музориб молни яна музорабага бериши”, “Роббул-мол ва музорибнинг фойдани тақсимлаши”, “Музорибнинг музораба пулига қул озод қилиши”, “Музорабадаги қулнинг жинояти”, “Музориб қилиши жоиз бўлган ва жоиз бўлмаган фаолиятлар”, “Мусулмон бўлмаганлар билан музораба қилиш”, “Музорабада мушорақа қилиш”, “Музорибнинг касал ҳолида иккори”, “Музорабада шуфъа”, “Музорабадаги шартлар”, “Музориб ва роббул-мол ўртасида муробаҳа”, “Музорибнинг музораба молига масъул бўлиши”, “Бир кишининг икки музориби ўртасидаги муробаҳа”, “Музориб ва роббул-молнинг даъвоси”, “Музораба молининг унга бирор нарса сотиб олишдан олдин ёки кейин йўқолиши”, “Роббул-мол музорибни музораба учун қарз сўрашга буюриши”, “Музорабада гувоҳлик масаласи” боби.

Китобда Қуръони каримдаги музораба фаолиятини юритишга ишора қилувчи оятлар санаб ўтилади, Пайғамбар алайҳиссалом даврларида бу иш инсонлар орасида амалда бўлгани ва уни тасдиқ қилганлари, мусулмонлар музорабани доимо амалга ошириб келганлари қайд этилади. Хусусан, Усмон ибн Аффон ўз молларини, Умар ибн Хаттоб, Оиша ва Ибн Умар

розияллоҳу анҳум кабилар етимнинг молини музорабага берганлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Китобда музорабанинг яна бир номи “Муқораза” (مقارضة) - қарз бериш эканлиги қайд этилган. Муқораза қарз сўзидан олинган, қарз сўзининг маъноларидан бири “кесиш” дир, яъни ўз молининг муайян қисмини кесиб, ажратиб беради. Музораба эса зарб- (ضرب) сўзидан олинган ва унинг маъноларидан бири “ер юзида юриш, сайр қилиш, масофани кесиб ўтиш” дир. Асарда ана шу жиҳатдан ҳам бу икки сўз бир-бирига ўхшатишган. Музорабанинг бу шаклдаги номи асосан мадиналик кишиларнинг тилида машҳур бўлган. Унга кўра сармоядор ўз молидан бир қисмини гўёки қарзга бергандек тижорат қилиш учун ажратади. Шунингдек, муаллиф музораба битимнинг ваколат ва ширкат битимлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларига изоҳ берган.

Асарда музорабага тегишли шартлар ҳақида тўхталиб, агар музораба битимини тузишда унинг асл мақсади бўлган фойдада шерикчилик тамойилига мос келмайдиган шарт қўйилса битим фосид бўлади, дейилган. Бу вазиятга мисол сифатида, агар томонлар фойдани тенг бўлиш ёки бир томонга учдан бири ва қўшимча 10 дирҳам бериш шарт қилинса, бу битим фосид бўлади, чунки иш натижасида ўша 10 дирҳам фойда ҳосил бўлмай қолиши ҳам мумкинлиги келтирилган. Агар битим фосид бўлса музорибга “ажру-л-мисл” - ўша жойда шу каби ишни қилиб берганда қанча пул берилса, шу миқдорда иш ҳақи берилади, фойданинг барчаси сармоядорга берилади. [3:607]

Бундан ташқари, асар муаллифи сармоя сифатида киритилаётган маблағ ҳақида Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва имом Муҳаммаднинг фикрларини ҳам қайд этган. Унга кўра, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф музораба битимида киритилаётган мол фақат динор ва дирҳам бўлиши керак деган бўлса, имом Муҳаммад муомаладаги қоғоз пулларни ҳам сармоя сифатида киритиш мумкин деган.

Асарда музораба сўзининг ўрнига “муфоваза” (مفاوضة) ва “муомала” (معاملة) сўзларини ҳам ишлатиш мумкинлиги қайд этилган. Шунингдек, роббул мол музорибга сармояни бериб фойдаси “икки орада” (بينهما) деса, фойдани ярми роббул молга ва қолган ярми музорибга тегишли бўлиши изоҳланган. Агар роббул мол “фойданинг учдан бири ёки олтидан бири музорибга” деса музораба фосид бўлиши айtilган. Чунки “ёки” (او) сўзи

икки ҳолатдан қайси бирини танлашни аниқ ифодаламайди, натижада ноаниқлик, мавҳумлик пайдо бўлади. Музораба шартдаги мавҳумлик эса унинг фосид бўлишига олиб келади. Бу ўринда битимни тузишда қўлланиладиган сўз ва иборалар ҳам аҳамиятли эканлиги маълум бўлади.

Муаллиф кўп ўринларда музораба битими билан боғлиқ равишда учраши мумкин бўлган вазиятлар бўйича мисоллар келтириш услубидан фойдаланган. Яъни, агар битим бўйича бирор шарт киритилса, натижада қандай ҳолат юзага келиши билан боғлиқ гипотезалар кўп қўлланилган.

Манбада музораба битими ва бошқа битимларни ўзаро қиёслаш усулидан ҳам фойдаланилган. Жумладан, музораба ва шуфъа (شفعة) битимларидаги ҳолат қиёсланган. Бунда уйни сотиш жараёнида сотувчи, харидор томонидан тўланадиган қиймат миқдорини ва харидор, уйнинг ўзига тегадиган қисмини аниқ билиши керак. Музораба битимида ҳам роббул мол ва музориб фойдадан ўзларига тегадиган улушни аниқ билишлари керак. Агар улушлар аниқ бўлмаса битим жоиз бўлмаслиги ҳақида фақиҳларнинг фикрлари келтирилади. Бу қиёслаш орқали умумий қоида сифатида битимнинг томонлари ундан кўзланган мақсадни аниқ билиши лозимлиги келиб чиқади.

Асарда инсонлар мазкур битимни амалга ошириш жараёнида юз бериши мумкин бўлган низоли вазиятлардан чиқиш йўллари ҳақида ҳам фикр юритилган. Хусусан, агар роббул-мол ва музориб фойдани ҳисоблаш жараёнида киритилган сармоянинг миқдори ҳақида келишолмай қолса музорибнинг гапи инобатга олинади, чунки сармояни ишлатган одам унинг ҳақиқий миқдорини аниқ билади, фақат бунда унинг қасам ичиши талаб қилинади. Шунингдек, агар иккала томон ҳам ҳужжат-далил тақдим этса роббул-молнинг ҳужжат-далили устун бўлади. [3:613]

Ҳалвоний музораба битимини амалга оширишда қарз билан боғлиқ қуйидаги ҳолатни баён қилган. Агар бир киши бошқа кишига минг дирҳам қарз берган бўлиб, қарз берган киши қарздорга шуни музорабага ишлатгин, бирор нарса олиб сотгин, қўшимча фойда бўлса ўртағизда, деса бу битим фосид бўлади. [3:613] Муаллиф бу ҳолатда сармоя музорибга тўлиқ, қарздан холи шаклда топширилмаганлиги, сармоя музориб томонидан қабз қилинмаганлиги

ва бу вазиятда қабзнинг имкони йўқлиги учун битим амалга ошмаслигини таъкидлаган. Чунки қарздор киши ўз зиммасидаги қарзни қайтариши шартдир.

Агар бир киши бошқа кишига қарз берган бўлса, қарз эгаси бошқа бир кишига “қарздордан ўша пулнинг ҳаммасини олишни ва фойдасини тенг бўлишиш шarti асосида музорабага ишлатишни” буюрган бўлса ва у пулнинг фақат ярмини олиб музорабага ишлатса жоиз бўлади. Чунки бунда роббул-мол берган жами маблағнинг баъзи қисмини ишлатиб баъзисини сақлаб туриш мумкин бўлганидек, қарзнинг айрим қисмини олиб музорабага ишлатиш мумкин бўлади. Лекин “қарздордан ўша пулнинг ҳаммасини олишни кейин (كئ) фойдасини тенг бўлишиш шarti асосида музорабага ишлатишни” буюрган бўлса, бу ҳолда қарзнинг ярмини олиб ишлатса, роббул-молнинг гапига хилоф иш қилган бўлади. Чунки “кейин (كئ)” сўзи кетма-кетликни ва тартибни англатади, музорибнинг қилган ишида эса қарзнинг ҳаммасини олгандан кейин ишни амалга ошириш юзага келмади ва шартга тескари иш қилган бўлиб қолди.

Мазкур манбада “Фойдани бошқа кишига шарт қилиш” номли алоҳида боб ажратилган. Унга кўра музораба фаолияти натижасида олинган фойдани битим иштирокчиларидан бошқаларга ҳам беришни шарт қилиниши мумкин. [3:613] Бунда музорибга фойданинг учдан бири, қолган учдан иккиси эса иккита роббул-мол ўртасида тенг тақсимланиши мисол сифатида келтирилган. Бундан ташқари, бир битимда биттадан ортиқ роббул-мол ва музорибнинг иштирок этиши мумкинлиги ҳам қайд этилган. Хусусан, иккита роббул-мол ва иккита музориб иштирок этган тақдирда, фойдани тақсимлашда иккита музорибнинг бирига фойданинг учдан бири, иккинчисига олтидан бири, фойданинг қолган қисми эса иккита роббул-мол ўртасида тенг тақсимланиши баён этилган. Бу ерда фойда тақсимотига оид бир қоида кузатиш мумкин - агар битта битимда музориблар бир неча бўлса уларнинг фойдадаги ҳиссалари турлича бўлиши мумкин, лекин сармоядорлар сони бир неча бўлса уларнинг ҳиссалари тенг миқдорда бўлади.

Асардаги музораба китоби таркибида “Товарлар билан музораба қилиш” боби жой олган. Унга кўра Инб Аби Лайло товарлар билан музораба қилиш жоиз деган бўлса, бошқа уламолар, хусусан Иброҳим Наҳаъий ва

Ҳасан Басрий кабилар унинг жоиз эмаслигини таъкидлаган. Бунда музораба битимиға сармоя сифатида киритилаётган маблағ товар ёки моддий ашё шаклида бўлмаслиги керак. Шамсул-аимма Ҳалвоний мато, бино, ер, буғдой, арпа каби товарларни мисол тариқасида келтирган ва улар билан музораба қилиш жоиз эмаслигини баён қилган. [3:615] Шу билан бирга, агар раббул-мол дастлаб музорибни юқорида қайд этилган товарларни сотишга вакил қилиб, кейин сотишдан олинган маблағ билан музораба қилишга келишилса, бу битим жоиз эканлиги қайд этилган.

Кейинги боб “Музориб қилиши мумкин бўлган ишлар” деб номланган. Унда музориб, агар мутлоқ музораба битими бўлса ва роббул-мол: “ўз раъйинга кўра ишлат” деган бўлса, қиладиган ишлари уч турга бўлинган. Биринчиси, тижоратчилар қиладиган ишлар – сотиш, сотиб олиш, ижара, вакиллик, вадийъа, сафар қилиш каби ишларни қилиши мумкин. Иккинчиси, қарз олди-бердиси, хиба қилиш, қул озод қилиш, чекларни олиш каби ишларни қилмайди. Учунчиси, бошқа кишига молни музорабага бериш, бошқа киши билан шерикчилик (ширкат) қилиш, ўз молини музораба молига қўшиб юбориш каби ишларни қилиши мумкин. Агар “ўз раъйинга кўра ишлат” демаган бўлса, ўз молини музораба молига қўшиши мумкин бўлмайди. Агар муқайяд-чекланган музораба битими бўлса ва роббул-мол: “фақат Куфада музораба қилгин” деса, лекин музориб ундан бошқа жойда тижорат қилса битим шартига хилоф иш қилган бўлади ва агар зарар кўрса уни қоплаб беради. Асарда бу чекловнинг сабаби сифатида турли юртларда пуллар ҳар хил бўлиши кўрсатилган. Бу ҳолат бугунги кунда давлатларнинг ўз миллий валюталари борлиги, уларнинг бошқа давлат пул бирлигига нисбатан алмашув курслари турлича бўлишини каби вазиятни акс эттиради. Бу вазият бир давлатдан бошқасига товар экспорти ёки импортида миллий валюталарнинг алмашув курсларидаги фарқ туфайли тадбиркорлар фойда ёки зарар кўриши мумкинлигини ҳам ифодалайди. Шундан келиб чиқиб, Ҳалвоний бу ўринда яна бир вазиятни баён этган. Унга кўра, агар роббул-мол “Куфа бозорида музораба қилгин” деган бўлса, лекин музориб Куфанинг бошқа бозорида тижорат ишларни қилса

масаланинг ечими икки хил шаклда бўлади: биринчиси, юқоридаги масалага қиёс қилиб, айтилган жойдан бошқа жойда тижорат қилгани учун битим шартига хилоф иш қилган бўлади; иккинчиси, истехсонга кўра, Куфанинг барча бозорларида пул бирлиги бир хил бўлгани учун битим шартига хилоф бўлмайди ва товон тўлашга зарурат қолмайди. [3:616]

Мазкур бобда роббул-мол ким билан тижорат қилишни ҳам тайин қилиши мумкинлиги баён қилинган. Унда фақат муайян кишидан нарса сотиб олиш ёки фақат унгагина сотиш каби чекловлар қўйиш жоизлиги келтирилган. Шунингдек пул айрибошлаш-саррофлик ишларида ҳам муайян шахсларни тайин қилиш амалиёти борлиги қайд этилган. Бу каби қайд қилишга сабаб қилиб тайин қилинган кишининг омонатдорлик ва масъулиятни зиммасига олиш каби хислатларга эга эканлиги кўрсатилади.

Шунингдек, киритилган сармоядан самарали фойдаланиш мақсадида музораба объекти бўлган товарни, тўлов усули яъни нақд ёки насия савдо қилишни ҳам айнан белгилаб қўйиш мумкин. Бу борада асарда қуйидаги вазият келтирилади: роббул-мол музорибга айнан озиқ-овқат сотиб олишни буюрган бўлса, лекин музориб озиқ-овқатни сотиб олиб, уни ташиш учун кема ҳам сотиб олмақчи бўлса, бу иш жоиз эмаслиги таъкидланган. Чунки бунда музораба молидан асоссиз фойдаланиш ҳолати юзага келади. Унинг ўрнига кемани ёки уловни ижарага олиш урфга кўра жоиз бўлади.

Шу билан бирга, музорабага йўналтирилган маблағдан оқилона фойдаланиш масаласида мутлоқ (чекланмаган) музорабага тегишли қоидалар ҳам белгиланган. Бу борада қуйидаги вазият келтирилган: агар роббул-мол музорибга минг дирҳам бериб “ўз раъйинга кўра ишлат” деган бўлса, музориб эса шу пулга бозорда асли нархи беш юз дирҳам бўлган товарни сотиб олса, у музориб кўрилган зарарни қоплаши керак бўлади. Чунки бозордаги одатдаги нархдан кўра икки баробар қиммат бўлган нархда савдо қилиб сармояни самарасиз ишлатилишига сабаб бўлди.

Юқоридаги ҳолат ҳам бухоролик олимлар асарларида инсонлар ўртасида бўладиган молиявий муносабатлар жуда пухта тадқиқ этилганлиги ва шунга мос қоидалар ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Шу боис бу манбалардаги маълумотлардан бугунги кун

учун ҳам хулосалар олиш, молиявий соҳада ишни ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкин.

Асарда роббул-мол ва музориб ўртасида келиб чиқадиган ҳуқуқий масалалар ҳам кўриб чиқилган. Жумладан, баҳсли вазиятларда қайси томоннинг гапи инобатга олинishiга доир бир қанча вазиятлар таҳлил қилинган. Вазиятларга тегишли қоидалар ишлаб чиқилган. Мисол учун, агар музораба ишида бажариладиган иш умумийлик ёки хусусийлик мазмунида эканлиги бўйича баҳс бўлса, умумийлик мазмунидаги ишни айтган тарафнинг гапи устун қўйилади.

Ислом динининг бошқа самовий дин вакилларига нисбатан бағрикенглик хусусияти музораба масаласида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Шамсу-л-аймма Ҳалвоний мусулмон киши насроний динидаги кишига пул бериб музораба қилиши мумкинлигини қайд этган. Чунки зиммийлар мусулмонлар билан мол-мулкни тасарруф қила оладиган дин вакиллари ҳисобланади. Бу ҳолат бугунги кунда асосий аҳолиси мусулмон бўлган давлатларнинг аксар аҳолиси насроний ёки яҳудий бўлган давлатлар билан савдо-сотиқ, инвестиция жалб этиш ёки маҳаллий тадбиркорларнинг хорижга инвестиция чиқариши билан боғлиқ алоқалари учун кенг йўл очади. Шунингдек, мусулмон кишининг насронийлик дини вакили томонидан киритилган сармояда музориб бўлиши жоизлиги ҳам айtilган.

Муаллиф китобда “Музорибнинг кунлик харажати (нафақаси)” ҳақида алоҳида боб ажаратган. Унда музорибнинг кунлик харажатлари борасида икки хил қараш борлиги айtilган. Биринчи қарашга кўра, ижарага киёс қилиб музорибнинг кунлик харажатлари, у сафарда ёки муқим бўлишидан қатъи назар, музорабанинг молидан қопланмайди. Чунки ижара шартномасида ижарага ёлланиб ишлаётган киши (ريج)нинг кундалик харажатлари учун пул талаб қилишга ҳаққи йўқ. Иккинчи қарашга кўра, музориб ўзини музораба ишига бағишлагани учун истехсонга кўра кунлик харажатларини қоплаш керак бўлади. Олим бу масаладаги умумий ечим сифатида, музориб агар сафарда бўлса унинг урфга кўра умумий аҳволи учун керакли харажатлари музораба молидан тўланиши, муқимлик ҳолида эса кунлик харажатлари ўз молидан қопланишини қайд этган. [3:617]

Асарда агар музорибга пул бериб “ўз раъйинга кўра ишлат” деган бўлса, у пулнинг баъзисига ерни ижарага олиб, баъзисига уруғ сотиб олиб ўша ерда уни экиб ишлатса жоиз бўлиши таъкидланган. Чунки ижара ҳам тижоратчиларнинг ишидан бўлгани учун уни амалга ошириш мумкин. [3:619]

Китобда музораба битими орқали бошқа иқтисодий ва молиявий битимларни амалга ошириш учун имкон яратилишига доир маълумотлар ҳам келтирилган. Жумладан музораба, музораъа, ижара, ширкат, шуфъа каби битимлар билан музораба қўшилиб гибрид шаклда молиялаштириш асосида амалга ошириш мумкин.

ХУЛОСА

Музорабанинг моҳиятига эътибор берилса унинг бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлади. Чунки баъзи инсонларнинг бирор иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун етарли миқдорда маблағи мавжуд бўлади, лекин шу ишни амалга ошириш учун вақти ёки қобилияти етарли бўлмайди. Бошқа кишиларда эса тадбиркорлик қобилияти ва вақти бор бўлган ҳолда бизнес бошлаш учун маблағи етарли бўлмайди. Мана шу вазиятда музораба битимини тузиш орқали икки томоннинг мақсадларини бирлаштириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида фаолиятни йўлга қўйиш имконияти яратилади.

МАНБАЛАР:

1. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Тошкент, Тошкент ислом университети нашриёти, 2010.
2. Жосим Тоҳо Ҳамуд Али Машҳаданий. Фикху-л-имам Шамсу-л-аймма Ҳалвоний. Дироса муқорана. Док. дисс. Боғдод ислом университети. 2010.
3. Шамсулаимма Ҳалвоний. Ал-Мабсут. Туркиянинг Сулаймония кутубхонаси фонди. 1-жилд.
4. Шамсу-л-аймма Сарахсий. Ал-Мабсут. “Дору-л-маърифат” нашриёти. Байрут. 1989 й. 22-жилд.
5. Ваҳба Зухайлий. Ал-фикхул-ислабий ва адиллатуху. “Дору-л-фикр” нашриёти. Дамашк. 1985 й. 4-жилд.
6. Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний. Бадоиъус саноиъ фи тартибиш шароиъ. – Қоҳира: Мактабат дорул-ҳадис, 1426/2005. 7-жилд.